



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Юсуфалиев Элёржон Машрабович

**Қўқон давлат педагогика институти “Факультетлараро чет
тил” кафедраси ўқитувчиси**

**ТЕРМИНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯГА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИКЛИК ДАРАЖАСИ**

Анатация: Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида прагматингвистика, психоллингвистика, этнолингвистика, дискурс назарияси каби фанларнинг ўзаро интеграцияси натижасида антропоцентрик парадигманинг лингвокультурология йўналиши жадал ривожланмоқда. Турли тизимдаги тилларда таълим-тарбия категориясининг концептуал майдон сифатида намоён бўлишига олиб келувчи омиллар, шарт-шароитлар ва уларнинг табиатини тадқиқ этиш, таълим-тарбия категориясининг концептуал жиҳатдан воқеланишининг ўзига хослиги, унда воқеланган тил унсурларини таҳлил қилиш орқали тиллараро алоқадорлик ходисаларини тадқиқот объекти сифатида ўрганиш замонавий тилшунослик олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: антрополингвистика, терминология, терминография, антропоцентризм, тилшунослик, лексикография, термин, парадигма, таълим, тарбия.

Илм маърифат жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли ривожини учун таянч нуқтаси ҳисобланади. Ҳарқандай давлатнинг долзарб масалалари ечимини топишда, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларда таълим тизими ва унинг терминология дунёсининг аҳамияти исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

Сўнги йиллардаги жаҳон миқёсида педагогика назарияси ҳамда амалиёти ҳамкорлиги бир тарафдан, халқаро педагогика иккинчи томондан миллий таълим ва тарбия доирасида тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини талаб этмоқда. Дарвоқе

педагогикага оид терминлар тизими нафақат назарётчи педагоглар диққат марказида бўлмоқда, балки амалиётчилар ҳамда тилшуносларнинг ҳам тадқиқот объектига айланган. Чунки кундан-кунга янгитдан ясаиб амалиётда қўлланилаётган терминларни лингвистик таҳлили замонавий терминология йўналишининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Янги илмий фаннинг умумий моҳияти ва асосий хусусиятларини унинг мақсади, объекти, тадқиқот предмети ва усулларини, бошланғич позицияларини, тадқиқотнинг асосий муаммолари ва йўналишларини, унинг бўлимларини [С.В. Гринев-Гриневиц, Э.А. Сорокина, Т.Г. Скопюк] қуйидагича шакллантиришни зарур деб ҳисоблайдилар: Тил эволюцияси такидлайди олимлар- биринчи навбатда, унинг лўғати билан боғлиқ. Тахмин қилиш мумкинки, бу бизга инсон онгига унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнида унга назар ташлаш, атрофимиздаги дунёда ўз ўрнимизни ва, эҳтимол, келажагимизга қараш учун ноёб имконият беради.

Юқорида номлари келтирилган муаллифлар антрополингвистиканинг асосий муаммоли масалаларини “инсон онги эволюциясининг турли босқичларида инсон тафаккурининг табиати билан белгиланган, тилда акс эттирилган масалалар” деб аташади. Шунга кўра, тадқиқотнинг асосий йўналишлари ва антрополингвистика бўлимларини ажратиш инсон тафаккури эволюциясининг асосий босқичлари билан боғлиқ”¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўриб чиқиладиган тадқиқотда антрополингвистика тадқиқотининг предметини белгилашда (тадқиқот предмети - "турли тиллар терминологиясининг тарихий ривожланишининг умумий хусусиятлари, илмий билимлар тизимининг ривожланиш жараёни, тилнинг терминографияда ўзига хос хусусиятларини тўлиқ акс эттиради. »²) муаллифлар «умумий тушунчалар тизимини ифодалаш воситаси сифатида кўп тилли терминологияларни кўриб чиқиш» зарурлигини кўрсатадилар [ўша ерда. , 12.бет].

Антрополингвистикада марказий ўринни тил birlikларининг тўпланган билимлар тарихида ажратиб кўрсатилган даврларга мос келиш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, С.В Гриневнинг концепциясига кўра, инсоният жамияти тарихида тўпланган умумбашарий билимларни шакллантиришда учта шартли даврни ажратиш мумкин: содда давр, хунармандчилик даври, илмий давр³.

Ҳар бир даврни ажратиб кўрсатиш ва белгилашда, С.В. Гринев тафаккурнинг уч турини ажратиб кўрсатади: тил ривожланишининг содда даврида шахсга хос бўлган **содда фикрлаш тури**; тил ривожланишининг хунармандчилик даврига хос бўлган тафаккурнинг **фангача бўлган тури**; тафаккурнинг **илмий тури** тил ривожланишининг илмий даври сифатида белгиланган босқичларда кузатилади⁴.

¹ Гринев-Гриневиц С.В., Сорокина Э.А., Скопюк Т.Г. Основы антрополингвистики. Учебное пособие. - М.: Компания Спутник+, 2005. С. 12.

² Гринев-Гриневиц С.В., Сорокина Э.А., Скопюк Т.Г. Основы антрополингвистики. Учебное пособие. - М.: Компания Спутник+, 2005. С.11.

³ Гринев С.В. Актуальность проблемы когнитивного терминоведения. // Научно-техническая терминология. - М.: 2002. - С.11-22.

⁴ Гринев С.В. Актуальность проблемы когнитивного терминоведения. // Научно-техническая терминология. - М.: 2002. - С.11-22.

С.В. Гриневнинг сўзларига кўра, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари бор:

- тил тараққиётидаги қадимий ёки содда давр кишининг теварак-атрофдаги олам ҳақидаги содда тасавури, сўз бойлиги оз сонли лексемалар билан ажралиб туради. Тарихий лўғатларда бир хил тушунча номларининг фонетик ва имло вариантлари мавжуд;
- тил тараққиётининг ҳунармандчилик (ёки фангача бўлган давр) босқичида лексик бирликлар маъноларининг фангача бўлган ихтисослашувининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Ҳунармандлар томонидан яратилган янги ҳунармандчилик ва уларнинг меҳнати маҳсулотларининг пайдо бўлиши янги, махсус номларни талаб қилади;
- тил тараққиётининг илмий босқичи махсус лексик бирликлар - атамаларнинг ажратилиши билан боғлиқ⁵.

Ушбу ўринда терминографияга оид тадқиқотларимиз учун терминографик тадқиқотларнинг антропоцентриклик даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга идиал лўғат тузиш тилшунос-терминшунос ва мутахассис-терминшунос ҳамкорликда қилинадиган фаолият бўлиб, атамашуносликда антропоцентризм лўғатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам, унинг асосий параметрларини ҳам белгилаб берувчи фундаментал омил, деб ҳисобланади.

Бинобарин, инсон омили тармоқ материалининг терминографик тавсифи манбаида аввалдан мавжуд. Иккинчидан, ушбу тармоқ материали билан ишлайдиган лексикографларнинг шахсияти (ёки шахси) ҳам муҳимдир. "Шахсга қаратилган лўғатларни лойиҳалашда", деб ёзади И.С. Кудашев, - баъзи маълумотга эга бўлмаган эътиёжларни, хусусан, эргономик, иқтисодий ва эстетик эътиёжларни ҳисобга олиш керак"⁶.

Юқорида айтилганларнинг барчаси терминографик фаолиятда антропоцентризм мавжудлигини айтишга имкон беради.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, тилшуносликнинг барча соҳаларини қамраб олган антропоцентризм терминографияда қуйидаги омиллар шаклида намоён бўлади:

1. Атамалар – ўзининг ҳарф-сонли-товуш қобиғи билан тилда тафаккурнинг билиш, фаолияти натижаларини мустаҳкамлаган махсус лексик бирликлар;
2. Миллий тилга мансуб белгилар сифатида атамалар теварак-атрофни билиш воситасидир;
3. Терминлар тафаккурнинг илмий турини акс эттиради, илмий тафаккур фаолияти натижаларини белгилаш белгиларидир;
4. Лўғат тузиш ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг у ёки бу илмий ахборотга бўлган эҳтиёжини кондиради;
5. Терминографияда антропоцентризм ходисаси фундаментал ҳодисадир.

⁵ Гринев С.В. Актуальность проблемы когнитивного терминоведения. // Научно-техническая терминология. - М.: 2002. - С.11-22.

⁶ Кудашев И.С. Проектирование переводческих словарей специальной лексики. – Helsinki: Helsinki University Translation Studies, Monographs 3, 2007. С. 121.

Терминографик манбалар - бу махсус мақсадларни кўзлаб ушбу касб терминлар бирликларини кодлаштирган илмий, амалий манба.

Тилшунослик фанида анъанавий равишда учта илмий парадигма ажралиб туради: қиёсий-тарихий (19-аср тилшунослигига хос бўлган ва қиёсий тарихий методга асосланган), тизимли-структуравий (уларнинг диққат марказида сўз) ва ниҳоят, антропоцентрик, "инсонга "ҳамма нарсанинг ўлчови" мақомини қайтарди ва уни олам марказига қайтарди"⁷. Ушбу илмий парадигма доирасида тадқиқотчининг қизиқишлари «идрок объектларидан субъектга ўтади, яъни инсонни тилда, тилни эса инсонда таҳлил қилади»⁸.

Шундай қилиб, тилнинг антропоцентриклиги ғояси замонавий тилшуносликда асосий омил ҳисобланади. Ушбу парадигма нуқтаи назаридан, инсон дунёни "ўзини англаш, ундаги назарий ва объектив фаолияти орқали" ўрганади ва бу унга "ўз онгида нарсаларнинг антропоцентрик тартибини яратиш" ҳуқуқини беради, бу эса унинг " руҳий моҳияти, унинг ҳаракатлари мотивлари, қадриятлар иерархиясидир"⁹.

Йигирманчи аср тилшунослигининг антропоцентрик парадигмаси билан боғлиқ бўлган масалалар тўртта йўналишга ажратилмоқда, аммо шунга қарамай сўнги пайтда турли йўналишларга бўлиниб ўрганилмоқда. Биринчи йўналиш тилни шахснинг "кўзгуси" сифатида ўрганади, дунёнинг лингвистик тасвири тушунчаси унинг учун асосий ҳисобланади ва асосий вазифа - инсон ўзини тилда қандай акс эттиришини ўрганишидир. Иккинчи йўналиш коммуникатив тилшунослик бўлиб, у инсонга, биринчи навбатда, унинг алоқа жараёнига боғлиқ қизиқиш билан тавсифланади. Учинчи йўналиш бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда, когнитив жараёнларда тилнинг ролини ва шахснинг когнитив аппаратини ўрганади. Антропоцентрик тилшуносликнинг тўртинчи йўналиши ўз номига кўра, тилни шахснинг ўзида қандай мавжудлигини ёритишга қаратилган. С.Г. Василева тилшуносликнинг ушбу бўлимини субъект ичидаги тилшунослик ёки она тили назарияси деб аташни таклиф қилади¹⁰. Унинг асосчиси И. А. Бодуэн де Куртене мисолида эътироф этилган бўлиб, бу "тил фақат индивидуал мияларда, фақат руҳларда, фақат маълум лингвистик жамиятни ташкил этувчи шахслар ёки индивидлар психикасида мавжуд" деб ҳисоблашган.

Замонавий тилшуносликнинг тилшунослик масалалари жаҳон таракқиётидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаий назардан долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Янгидан янги тушунча ва терминларни турли фан соҳаларининг лексик-семантик тизимларида табиий шакилланиши, уларни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилишни талаб этмоқда. Ушбу ўринда барча фан соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган педагогик терминлар "дунёсини" ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланган Антропоцентрик йўналиш ва унинг лингвокультурологияга оид асосий тушунча ва тамойиллар асосида таҳлилга тортилган педагогик терминлар орқали

⁷ Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – 2001. – №1. – С.64.

⁸ Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр Академия, 2001. С.6

⁹ Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. С.6-7.

¹⁰ Васильева С.Г. И.А. Бодуэн де Куртене и антропоцентрическая парадигма лингвистики XX в. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.philol.msu.ru/~rlc2004/ru/participants/psearch.php?pid=94128>.

немис ва ўзбек халқининг таълим-тарбияга оид терминларини майдон, икки давлат таълим тизимининг концептуал майдони, лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳамда ҳар икки халқга тегишли бўлган этник, ментал ва миллий-маънавий хусусиятлар изохланади. Дунё илмий тасвирини шакиллантиришда юқорида кўрсатилган омилларнинг ахамияти очиб берилади.

Ўрганилган адабиётлар рўйхати:

1. *Гринева-Гринева С.В., Сорокина Э.А., Скопюк Т.Г.* Основы антрополингвистики. Учебное пособие. - М.: Компания Спутник+, 2005. С. 12.
2. *Гринева С.В.* Актуальность проблемы когнитивного терминоведения. // Научно-техническая терминология. - М.: 2002. - С.11-22.
3. *Сорокина Э.А.* Когнитивные аспекты лексического проектирования (к основам когнитивного терминоведения): Автореф. дис. д-ра филол. наук. – М., 2007. С. 92.
4. *Кудашев И.С.* Проектирование переводческих словарей специальной лексики. – Helsinki: Helsinki University Translation Studies, Monographs 3, 2007. С. 121.
5. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – 2001. – №1. – С.64.
6. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр Академия, 2001. С.6
7. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. С.6-7.
8. Васильева С.Г. И.А. Бодуэн де Куртенэ и антропоцентрическая парадигма лингвистики XX в. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.philol.msu.ru/~rlc2004/ru/participants/psearch.php?pid=94128>.